

**Bakhodir I. DAMINOV,**  
*Head Specialist of the Department for the  
 Organization of Information and Analysis and  
 Propaganda Activities.  
 Committee on Religious Affairs under  
 the Cabinet of Ministers Republic of Uzbekistan  
 Committee on Religious Affairs  
 Navoi str. 12. 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
 E-mail: [bahodirdaminov@mail.ru](mailto:bahodirdaminov@mail.ru)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-1/12

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ МУТААССИБЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ТАҲЛИЛИ

### ANALYSIS OF THE HISTORICAL BASIS OF THE EMERGENCE OF RELIGIOUS BIGOTRY IN UZBEKISTAN

### АНАЛИЗ ИСТОРИЧЕСКОЙ ОСНОВЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ РЕЛИГИОЗНОГО ЭКСТРЕМИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

#### КИРИШ

Бугунги кунда диний мутаассибликнинг олдини олиш, аҳоли хусусан, ёшларнинг мутаассиб шахслар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик кундалик долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Сўнги йилларда содир бўлаётган дин билан боғлиқ воқеалар соҳа мутахассисларини мутаассиблик, радикализм ва ақидапарастлик каби замонавий дунё тартибини издан чиқариши билан ажралиб турадиган диний-ижтимоий ва тарихий ҳодисалар устида изланишлар олиб боришга мажбур қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан то бугунги кунга қадар аҳоли ўртасида диний мутаассиблашувни олдини олиш, гоёлар таъсирига тушган шахсларни реабилитация қилиш ва уларнинг соғлом эътиқодга қайтариш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бироқ, минтақада диний мутаассиблик қачон вужудга келди, унинг илдизлари қаерга бориб тақалади, бунга қандай омиллар сабаб бўлганини таҳлил қилмасдан ва тарихдан сабоқ олмасдан туриб мазкур муаммоларни ҳал этишда ижобий натижага эришиб бўлмайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида диний мутаассиблик вужудга келишининг тарихий-ижтимоий

сабабларини таҳлил қилиш бугун долзарблик касб этмоқда.

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистондаги мусулмон аҳоли 1917 йилги инқилобдан сўнг ташқи дунёдан узилиб қолиб, 1926 йилдан ислом динига эътиқод қилувчи аҳоли эса виждон ва дин эркинлигига нисбатан босимлар тизимлаштирилган атеистик тузумнинг чекловлари остида яшай бошлади. XX асрнинг 30-йиллардан бошлаб масжидларни ёпиш ва мусулмонларнинг нормал фаолиятларини чеклаш бўйича чоралари қўрилди (Mukhametshin R., 2017).

Уруш йилларида ҳукумат томонидан диний уламо, руҳоний ва динларни таъқиб остига олишнинг тўхталиши ва диний туйғуларга мурожаат қилиниши СССР халқининг жипслашишига ўз ҳиссасини қўшиб, Совет республикаларида динга эътиқод қилувчи қатламнинг давлат ҳокимиятини қўллаб-қувватлашига сабаб бўлди.

1943 йил Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасини таъсис этиш бўйича минтақа уламоларининг ҳаракатлари фаоллашди. 1943 йил 12 июнь куни Абдураззоқ Эшон Мухаммад Алимов, Акрамхон Тозиҳонов, Мулла Содиқ Исломов ва Эшон Бобоҳон бошчилигида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасини тузиш борасида СССР Олий Совети Президиуми раиси номига юборилган сўров СССР Олий Совети Президиуми 1943 йил 31 июлда 55-сон қарори билан ҳукумат томонидан қонаотлантирилди (Бабаханов, Ш., 2001:21-25).

1943 йилнинг 20 октябрь куни минтақанинг беш республикасида 160 дан ортиқ вакил қатнашган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрида «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бошқармаси» номи билан янги диний марказ ташкил этилганлиги ҳақида қарор қабул қилинди.

1948 йилда Бухородаги Мир Араб мадрасаси диний таълим бериш ҳуқуқи билан бирга «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси» тасарруфига ўтказилди (Белоглазов А.В., 2013:114).

XX асрнинг 50-йилларига келиб, Сталиннинг ўлимидан сўнг СССРда Хрущев ва Брежнев даврига келиб минтақадаги мусулмонлар дунё мусулмон ҳамжамияти билан алоқа ўрната бошлади. Бу алоқа совет раҳбарлари томонидан исломдан

**Аннотация.** Ўзбекистонда «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси» ташиқил этилиши минтақадаги мусулмон аҳолининг диний-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Собиқ Иттифоқ ўзининг мусулмон давлатлари билан дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида ислом динидан сиёсий мақсадларда фойдалана бошлади.

Бу эса ўз навбатида совет ҳукумати томонидан қўрилган чора-тадбирларга қарамай, XX асрнинг 70–80-йилларида хорижий давлатлардан келган айрим ёт гоялар таъсирига тушган талабалар воситачилигида СССР ҳудудига диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш гояларининг кириб келишига, «замонавий мусулмон адабиёти»ни ўрганиш бўйича яширин ўқишлар ташиқил этилишига ва Ўзбекистонда аҳолини диний-ижтимоий фаолликка чорловчи даъватларнинг ёйилишига олиб келди.

Ушбу мақолада минтақада мустақилликка эришган давлатларда ислом динининг жамиятда қайта тикланиш жараёнлари Марказий Осиёнинг бешита республикаларида бир хил кечмагани, бунга айрим мутахассислар томонидан таъкидланганидек, биргина СССРнинг тарқалиб кетиши сабаб бўлмагани, бу ҳолат 1991 йилдан олдин ҳам долзарб бўлиб боргани сабабли жамиятларда мафкуравий хавфсизлик масалалари сўроқ остида қолдирилгани, мазкур жараёнда Ўзбекистоннинг Тошкент шаҳри ва водий вилоятлари асосий роль ўйнагани, унинг таъсири Қирғизистоннинг жанубий ва Тожикистоннинг шимолий қисмларидаги диний-ижтимоий муҳитнинг ўзгаришига олиб келгани борасида фикрлар илгари сурилган.

**Калим сўзлар:** Совет иттифоқи, Ўзбекистон, ЎОҚМИ, мутаассиблик, сохта салафийлик, «Ҳизбут-таҳрир», «янги авлод даъватчилари», Абдували Мирзаев, Обид Назаров, Раҳматуллоҳ Аллома.

**Abstract.** The establishment of the «Central Asian and Kazakh Muslim Board» in Uzbekistan has played an important role in the religious and social life of the Muslim population of mitnaka. Since the 60s of the 20th century, the Soviet Union began to use Islam for political purposes in order to strengthen its friendly relations with Muslim states.

This turn, despite the measures taken by the Soviet government, in the 1970s and 1980s, the ideas of using religion for political purposes entered the territory of the USSR through students who were influenced by some foreign ideas from foreign countries, and secret studies on the study of «modern Muslim literature». led to the establishment and the spread of calls to religious and social activity in Uzbekistan.

In addition, the article noted that the revival of Islam in the region was not the same in the five republics of Central Asia, this was not caused by the dissolution of the USSR alone, as noted by some experts, since this situation became relevant even before 1991, religious security issues in societies were questioned, and The Tashkent City and Valley regions of Uzbekistan played a, opinions have been advanced as to whether its influence has led to changes in the religious-social environment of southern Kyrgyzstan and northern parts of Tajikistan.

**Keywords:** Soviet Union, Uzbekistan, bigotry, false Salafism, «Hizbut Tahrir», «new generation preachers», Abduvali Mirzaev, Obid Nazarov, Rahmatullah Alloma.

**Аннотация.** Создание в Узбекистане «Управления мусульман Средней Азии и Казахстана» внесло значительный вклад в религиозную и общественную жизнь мусульман региона. С 60-х годов XX века Бывший Союз стал использовать ислам в политических целях для укрепления дружественных отношений с мусульманскими странами.

В свою очередь, несмотря на меры, принимаемые советским правительством, в 70–80-е годы XX века идеи использования религии в политических целях проникли на территорию СССР через студентов, находившихся под влиянием некоторых чужих идей из зарубежных стран, и подпольных кружков по изучение «современной мусульманской литературы» привело к становлению и распространению призывов к религиозной и общественной активности в Узбекистане.

В статье говорится, что возрождение ислама в регионе не проходило одинаково в всех республиках Центральной Азии и не было вызвано только распадом СССР, как отмечают некоторые эксперты, поскольку данная ситуация стала актуальной еще до 1991 года, вопросы религиозной безопасности в обществе были поставлены под сомнение, главную роль в этом процессе сыграли город Ташкент и области Ферганской долины Узбекистана, а его влияние привело к изменению религиозной и социальной среды в южных частях Кыргызстана и северной части Таджикистана.

**Ключевые слова:** Советский Союз, Узбекистан, САДУМ, фанатизм, псевдо салафизм, «Хизбут Тахрир», «проповедники нового поколения», Абдували Мирзаев, Обид Назаров, Рахматулла Аллама.

халқаро мақсадларда фойдаланиш ва мусулмон дунёси билан муносабатлар ўрнатиш, уларда ўзига нисбатан илиқ кайфиятни шакллантиришга бўлган интилиши фонида кучая борди.

## МУҲОКАМА

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Совет Иттифоқи ўзининг мусулмон давлатлари билан дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида таълим муассасалари ўртасида талабалар алмашинувини йўлга қўйди ва мусулмонларнинг турли халқаро форумларини минтақада ўтказди. Мазкур жараёнда СССРдаги нуфузли таълим муассасаларига Миср, Ироқ, Сурия ва Ливия каби турли мусулмон давлатларидан талабалар кела бошлади ҳамда Боку ва Тошкент каби бир қатор бошқа шаҳарларда вақти-вақти билан ислом динига оид халқаро анжуманлар ўтказилди.

Хусусан, 1971 йилда очилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бошқармаси» ҳамда Тошкентдаги Имом Бухорий номидаги ислом институти ўз ходимлари ва талабаларини хорижга жўнатиш ва бу орқали СССРдан ташқаридаги мусулмонлар билан алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлди (Белоглазов А.В., 2013:114).

1974 йилда «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси»да Имом Бухорий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган СССР мусулмонлари конференцияси бўлиб ўтди ва унда биринчи марта Саудия Арабистони вакиллари катнашди.

СССРнинг тегишли ваколатли органлар томонидан ташқи диний таъсирнинг тарқалишининг олдини олиш мақсадида дин соҳасидаги фаолият каттиқ назорат қилинди. Жумладан, 1986 йил 18 августда КПСС МК Сиёсий бюросининг мусулмонлар ҳаётини тартибга солувчи «Ислом дини таъсирига қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди (Белоглазов А.В., 2013:116). Бу қарор биринчи навбатда, XX асрнинг 80 йилларида минтақада ваҳҳобийлар фаолиятининг юзага келиши ва Марказий Осиёдаги диний вазият билан боғлиқ эди.

Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, совет ҳукумати томонидан кўрилган бу каби чоратadbирларга қарамай XX асрнинг 70–80-йилларда хорижий давлатлардан келган айрим ёт ғоялар таъсирига тушган талабалар воситачилигида СССР ҳудудига диндан сиёсий мақсадларда фойланиш ғоялари кириб келиб, замонавий мусулмон адабиётини ўрганиш бўйича яширин

ўқишлар, хусусан, Ўзбекистон ва Тожикистонда аҳолини ижтимоий фаолликка чорловчи даъватлар бошланди (Abashin S., Babajanov B., Germanov V., Ivanov V., Mukhametshin F., Shigabdinov R., 2011:217).

«Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси» коммунистик партия ҳукмронлик қилган бир даврда мусулмонларининг диний эҳтиёжини қондириш учун бор куч ва имкониятини ишга солган ҳаракатлари XX асрнинг 80 йиллари сўнгига келиб унутила бошланди. Айнан диний бошқарма фаолиятидаги ўзгаришлар, уламолар ўртасидаги ихтилоф ва бўлинишлар Марказий Осиё минтақасидаги диний-ижтимоий вазиятнинг ўзгаришида асосий сабаблардан бири бўлди.

1980 йилларнинг охирида диний ташкилотлар ва диндорларнинг алоҳида гуруҳларининг ижтимоий фаоллиги Ўзбекистонда турли шаклларда намоён бўла бошлади. Демократик эркинликлар ва сиёсий плюрализмнинг кенгайиши, деб таърифланиши мумкин бўлган тарихий ва ижтимоий ўзгаришлар диний соҳага таъсир қилди ҳамда куйидаги кўринишларда намоён бўлди:

- диний эътиқодларнинг намоён бўлиши ва диний марказларга партиясизлар, ҳатто, КПСС аъзоларининг ташриф буюриши борасидаги тақиқларнинг йўқолиши;

- диний масалалар барчани қизиқтирадиган мавзуга айланиб, диндорлик даражасидан қатъи назар мусулмонлар сонининг ортиб бориши;

- ислом дини нафақат диний анъана сифатида, балки одамларнинг ижтимоий онг шакли сифатида қайта тикланиши;

- жамоат ва сиёсий ташкилотлар жамиятнинг салмоқли қисмини ўз тарафига тортиш воситаси сифатида динга мурожаат қила бошлаши;

- дин ижтимоий ва ҳатто, сиёсий ҳаётга таъсир қила бошлашида кўриш мумкин.

XX асрнинг 80-йилларидаги мазкур ўзгаришлар хорижий мусулмон давлатлари учун СССР таркибида янги мусулмон жамоаларни пайдо қилди ва улар, хусусан, Ўзбекистон мусулмонларини умматга қўшилиши лозим бўлган миллионлаб биродарлари сифатида талқин қила бошлади. Бу эса ўз навбатида, Совет Иттифоқи таркибидаги Ўзбекистондаги диний-ижтимоий ҳолатга бевосита таъсир кўрсатди.

Ўрганишлар Ўзбекистондаги диний мутаассиблик куйида тўртта тарихий асослар натижасида вужудга келганини кўрсатди:

- XX асрнинг 80-йилларига келиб Москва-нинг рухсати билан СССРдаги ислом дини арбобларининг дунё мусулмонлари билан кўришиши ва бундан таъсирланган айрим улаомларнинг у ерда ўзлаштирган янгиликларни ички музокараларга кўшиши;

- Бу даврга келиб диний тарғиботда динга оид бўлмаган сиёсий мавзуларда мунозараларга йўл қўймаган эски совет улаомлари ўрнини «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси»га мухолиф бўлган ва ёт ғоялардан таъсирланган, Абдували Мирзаев, Обид Назаров, Рафиқ Камолов, Абдулахад қори, Муҳаммадражаб қори, Хусан қори, Ғуломжон қори ва Раҳматуллоҳ Аллома каби «янги авлод даъватчилар» эгаллай бошлади.

- XX асрнинг 70–80 йилларида сохта салафийлик ва «Ҳизбут таҳрир»<sup>1</sup> экстремистик ташкилоти ғояларининг дунё бўйлаб кенг камровда тарқалиши ҳамда Марказий Осиё минтақасида ривожланиши;

Абдували Мирзаев ва Раҳматуллоҳ Алломалар каби шахсларнинг Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб илгари сурган ғоялардан таъсирланиши ва Абу Аъло Мавдудий ва Саид Қутб каби шахслар томонидан ёзилган адабиётлар билан танишиши кейинчалик улар томонидан ўлкада ваҳҳобийлик таълимотининг кенг ёйилишига олиб келди. Жумладан, Абдували қори<sup>2</sup> (Абдували Мирзаев) 1950 йили Андижон шаҳрида туғилган. 1989-1994 йиллар мобайнида Андижон шаҳридаги «Жоме» масжидида имомлик қилган. А.Мирзаев XX асрнинг 90-йиллари радикал оқимлар таъсирига берилиб, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кўрсатмаларига зид равишда турли мусулмон давлатларидан келган мутаассиб даъватчиларга ўз минбарларида маъруза қилиш имконини яратиб берган.

А.Мирзаев томонидан халқ орасида расмий улаомларни обрўсизлантиришга қаратилган «ёлланма домлалар» номли маъруза нутқ қилинган бўлиб, унда исломнинг душманлари ёлланма домлалар экани, яҳудий ва насронийлар исломга қарши иш қилиш учун ёлланма домлалардан фойдаланиши, ёлланма домлалар Аллоҳ ҳаром

дегани ҳалол ва ҳалолни ҳаром деб бериши, шу билан улар мушрик бўлиши, диндан бегона бўлиши, ислом либосида бўлган мушрикка айланиши, Аллоҳ уларни бундан огоҳлантираётганини билишлари кераклиги, исломда ёлланма домлалар вужудга келиши билан ислом емирила бошлаши, чунки оддий халқ уларнинг айтган сўзларни ҳақ деб билиб, улар билан ислом шу экан, деб алданиб яшаши, лекин домлаларнинг ёлланма домлага айланиб қолганидан беҳабар бўлиши, Аллоҳ бундай домлаларни энг золим халқлар деб айтганини таъкидлаб, аслида тафсир улаомлари томонидан Макка мушриклари ҳақида нозил қилингани айтилган (Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf., 2020:165) Қуръони каримнинг «Анъом» сураси:

«وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ افْتَرَى عَلَى اللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِآيَاتِهِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الظَّالِمُونَ»

**«Аллоҳ (шаъни)га ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга йўювчи кимсадан ким ҳам золимроқ экан? Албатта, золимлар (охиратда) нажот топмагайлар»** (Абдулазиз Мансур, 2021:130) 21-оятини ўз идаосига далил сифатида келтирган.

Абдували Мирзаев устози Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний<sup>3</sup> билан бир неча масалаларда ихтилофга бориши натижасида улар ўртасида бўлиниш содир бўлади. Бу ҳақдаги Б.М.Бобожонов,

<sup>3</sup> Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний (Муҳаммаджон Рустам ўғли 1892-1989 й.) 1892 йилда Қўқон музофотида қарашли Ҳожа Муҳаммад Валий қабристонида яқин Чорбоғ қишлоғида туғилган. Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний 1929 йил юртга қайтгач, «синфий душман» сифатида, «хорижий давлатларда ўқиган» ва «мавжуд сиёсий тузумга қарши» деган айблар билан уч маротаба қамалган. Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти-нинг қўлёзмалар бўлимида таржимон бўлиб ишлаб Замахшарийнинг «Навобигул калим» ҳамда «Мақомоти Замахшарий» асарларини араб тилидан форс тилига, Имом Барзанжийнинг «Мавлудун набий» асарини ўзбек тилига, Имом Бусирийнинг «Қасидаи Бурда» асарини форс тилига, араб шоири Фароздакнинг Имом Зайнул Обидинга бағишланган қасидасини ўзбек тилига таржима қилган. Бундан ташқари, у киши томонидан Қуръони каримнинг таржимаси «Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон» номи остида нашр қилган. Шунингдек, олим Имом Бухорийнинг «Ал-жомийъ ас-саҳиҳ» ҳадислар тўпламини, Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Имом Аъзамнинг «Фикҳи акбар», Абдурахмон Жомийнинг «Шарҳи Мулло» ва Муҳаммад Фазлул-имом Хайрибодийнинг «Миркотул-мантик» асарларини шарҳ қилади. «Усули Шоший», «Нурул анвор» ва «Мухтасари маоний» каби асарларни ўзбек ва форс тилларига таржима қилган. Шу билан бирга, домланинг тафсир, ҳадис, фикҳ, ислом тарихи, тасаввуф, адабиёт ва одоб-ахлоққа оид кўплаб илмий маърузалари шогирдлари томонидан магнит тасмаларга ёзиб олинган. Муҳаммаджон Ҳиндистоний домла 1989 йил 97 ёшларида оламдан кўз юмган ва Мавлоно Яъкуби Чархий қабристонида дафн этилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2016 йил 26 сентябрдаги Қарори билан Ўзбекистон ҳудудида фаолияти тақиқланган экстремистик ташкилот.

<sup>2</sup> Абдували Мирзаевнинг чиқишлари ёзилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси Диншунослик экспертизаси бошқармаси томонидан тақиқланган диний мазмундаги материаллар рўйхатига киритилган.

А.К.Мўминов ва А.Фон Кюгельгенларнинг «Диспуты мусульманских религиозных авторитетов в Центральной Азии в XX веке (XX асрда Марказий Осиё мусулмон диний етакчиларининг мунозаралари)» номли китобида батафсил баён қилган (Бобожонов Б., Мўминов А., Фон Кюгельген А., 2007:269).

Бироқ, Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний каби мусулмонни такфир айблаш хатарини яхши тушунадиган етук уламнинг ўз шогирдларини кофирликда айблаши эҳтимолининг камлиги, Ҳиндистоний томонидан 1980 йилларда қилинган «Домла Ҳиндистоний Раҳматуллоҳ Аллома ва Абдували қориларга қилган насиҳати» (<https://www.youtube.com/watch?v=bA343jieT2I>) номли маърузасида айтган икки шогирди ҳақида фикрлари ва А.Мирзаевнинг чиқишларида устози ҳақида бирор-бир салбий фикр ёки унга ишораларнинг мавжуд эмаслиги китобда келтирилган маълумотлар Раҳматуллоҳ Аллома ва Абдували Мирзаевларга муҳолиф бўлган тарафлар томонидан бўрттирилгани борасида шубҳалар уйғонишига олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга минтақада салафийлик ғояларининг тарқалишида муҳим ўрин тутган шахслардан яна бири Обид Назаров<sup>4</sup> (Обид кори) бўлиб, у 1991-1994 йилларда Тошкентдаги «Тўхтабойвачча» масжидида имомлик қилган. О.Назаров ҳам Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг розилигисиз турли араб давлатларидан келган даъватчиларга ўз минбарини бўшатиб берган.

О.Назаров ўз чиқишларида диннинг моҳияти, одамлар кўзини очиши кераклиги, исломдан юз ўгиришнинг зарари, халқ номидан бошқарувчиларнинг сифатлари, ҳозирги замонда халқ номидан гапирувчи нодонлар борлиги, Аллоҳнинг қонунлари, мусулмонлар ҳўрланаётгани, уларни ўлдираётганлар омманинг номидан гапиратёгани, ташландик одамлар халқни миллатни тақдирини ҳал қилаётгани, қонунларни хоҳлаганча чиқариб хоҳлаганча ўзгартираётгани, Ўзбекистонда масжидларга чекловлар қўйилгани, масжидлар ибодатлардан тўсиб қўйилгани, Аллоҳнинг исми эркин тарзда улуғланмаётгани, масжидлардан ёш болалар ҳайдалаётгани, ҳуқуқ-тартибот идоралари

<sup>4</sup> Обид Назаровнинг чиқишлари ёзилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси Диншунослик экспертизаси бошқармаси томонидан тақиқланган диний мазмундаги материаллар рўйхатига киритилган.

масжид имомларини ўзларига мажбурлаб хизмат қилдираётгани, Ўзбекистон ҳукумати қамоқхоналардаги мусулмонларни озод қилиши кераклиги, ҳижрат, мужоҳидлар ва уларнинг фазилатлари каби мавзуларга алоҳида эътибор қаратган.

О.Назаров ва А.Мирзаевларнинг маърузалари асосан диндан беҳабар аҳолида қизиқиш уйғотди. Ёшлар ота-боболаримиздан бизгача давом этиб келган ибодат турларига ҳилоф қилиши оқибатида халқ орасида турли низо ҳамда ихтилофлар келиб чикди. Ушбу маърузалар минтақада «вахҳобийлик» оқимининг ривожланишига ҳамда «Ислом лашкарлари» ва «Тавба» каби ноқонуний гуруҳлар фаолияти ғоявий асосларидан бўлди.

Раҳматуллоҳ Аллома (1949-1981) дастлаб Абдуҳаким коридан таълим олган, кейинчалик Мавлавий ҳожи Ҳиндистонийга шогирд тушган ва 21 ёшида устози унга Аллома, деб ном берган. Мазкур шахс томонидан «Жаноҳ ат-толиб» ва «Ислом дини нима» номли китоблар ёзилган. Раҳматуллоҳ Аллома Марказий Осиёда биринчи бўлиб, «вахҳобийлар» илгари сурган Қуръон оятлари жисмга шифо эмас, деган ғояни кўтариши ортидан Домла Ҳиндистоний билан ихтилофга боради ва у билан алоқалари узилади.

Раҳматуллоҳ Алломанинг Қуръон оятларининг жисмга шифо эмаслиги, Қуръони каримнинг тиловатидан ўликларга манфаат етмаслиги каби фикрларини асос қилиб олганлар уни салафийлик ғоялари тарафдори бўлган деса, «Ҳизбут-тахрир» экстремистик ташкилотининг ижтимоий тармоқларга юклаган маълумотларида мазкур шахс ҳизб ғояларини Марказий Осиё минтақасида биринчилардан бўлиб даъват қилган шахс сифатида талқин қилинади.

Бироқ, олиб борилган ўрганишлар, О.Назаров, А.Мирзаев ва Раҳматуллоҳ Алломалар «Ҳизбут-тахрир» экстремистик ташкилотига хайрихоҳ бўлмаганини, аксинча улар салафийлик, Абу Аъло Мавдудий ва Саид Қутб каби шахсларнинг ғояларидан таъсирланганини кўрсатади.

Тошкентда нашр этилган «Совет Шарқи мусулмонлари» расмий журналида минтақа мусулмонлари ва анъанавий ислом тарафдорлари томонидан мақулланиб келинган муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишни бидъат сифатида баҳоланган мақоланинг нашр қилиниши минтақага салафийлик ғояларнинг кириб келиб, илдиз ота бошлаганидан дарак беради.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Эрондаги ислом инқилоби ва Афғонистондаги уруш совет

жамиятига исломий шиорлар остидаги мутаассиб гоъларнинг кириб кела бошлашида яна бир муҳим тарихий асослардан бўлган (Алимова К., 2016:1).

Аммо шу ўринда Эронда инқилобининг совет жамиятига таъсирини баҳолашда Эрон билан мазҳаб ва ақида жиҳатидан фарқ қиладиган «шиа» ва «аҳли сунна ва ал-жамоа» йўналишлари ўртасидаги ихтилоф ва тафовутлар мавжудлигини инобатга олиш зарур.

Америкалик тадқиқотчиларнинг фикрича, 1984 йилда Афғонистонда Америка ҳомийлигидаги «жиҳод» вақтида Марказий разведка бошқармаси ва унинг покистонлик иттифоқчилари СССР билан одатий кураш ўрнига мусулмонлар кайфияти учун рақобат бошлаш борасида режа ишлаб чиқилган ва унда Марказий Осиё республикаларидаги мусулмонлар алоҳида ўрин тутган. Бу каби қарашни АҚШ Марказий разведка бошқармаси директори Уилям Кейси ҳам таъкидлаб ўтган (Coll S., 2004:104-105).

Дарҳақиқат, 1979 йилда совет қўшинларининг Афғонистонга киритилишидан сўнг СССРдаги мусулмонлар тақиқланган радио эшиттиришларни тинглай бошлади ва ташқи алоқалар қайта тикланди. Жамиятда ислом дини фақат ибодатдан иборат эмаслиги, унинг сиёсат, давлат ва жамият бошқаруви борасида ҳам ўз қарашлари борлиги муҳокама қилина бошланди.

Бундан ташқари, СССР ҳудудида исломнинг қайта уйғониши бошланаётган бир вақтда Совет Иттифоқининг Марказий Осиё мусулмонлари билан қардош, мазҳаб ва ақидавий қарашлари бир бўлган Афғонистонга бостириб кириши маҳаллий мусулмонлар томонидан салбий қаршиланди.

Бу эса урушда иштирок этиб қайтган айрим шахсларда ҳукуматга нисбатан норозилик кайфиятининг шаклланишига ва минтақадаги мутаассиб кайфиятдаги шахсларнинг ўз қарашларини мазкур уруш билан дастаклаб, маҳаллий мусулмонларда уларнинг қарашлари тўғрилиги ҳақида тасаввурларнинг уйғонишига олиб келди.

## НАТИЖА

Мазкур омиллар сабабли XX асрнинг 80-йилларида Марказий Осиёдаги айрим «исломий гуруҳ»лар Афғонистондаги «жиҳод»га жиддий эътибор бера бошладилар.

1985 йил март ойида Михаил Горбачев ҳокимиятга келгач, мафкуравий муҳит улкан ўзгаришларни бошдан кечирди. Бу эса ўз навбатида

XX асрнинг 90-йиллари бошида постсовет мусулмонлари ҳудудида айрим шахсларнинг мутаассиблашуви ҳамда улар орасида радикал ва экстремистик кайфият тарқалишининг асосий сабабларидан бири бўлди ва у қуйидаги тенденцияларда акс этди:

- совет даврида мусулмон ёшлари орасида диний анъаналар деярли йўқ бир вақтда диний-мафкуравий плюрализм ва диний ташвиқот эркинлигининг шакллантирилиши;

- ёшларни хорижий ислом марказларида ўқишга жалб этиш ва ислом дини нуқоби остидаги салафийлик, «ихвончилик», «вахҳобийлик» ва бошқа радикал мафкураларнинг четдан кириб келиши;

- СССРнинг сўнгги 70 йил ичида динларни бостиришга қаратилган атеистик сиёсатига нисбатан диндорларнинг кумулятив (*аста-секин тўпланган ёки вақт ўтиши билан тўпланган*) муносабати;

- сиёсий курашларда турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва диний ташкилотлардан фойдаланиши натижасида қайта қуришнинг сўнгги йилларида Ўрта Осиёда мутаассиб шахслардан ташкил топган гуруҳ ва ташкилотлар пайдо бўлиб, уларнинг фаолияти Фарғона водийси бўйлаб таркала бошлади.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, XX асрнинг охирига келиб СССРнинг парчаланиб кетиши ортидан Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон каби янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши минтақада йиллар давомида атеистик тузум томонидан сиқувда бўлган ислом дини қайта тикланишига олиб келган (Zhiltsov S., 2016:21-29).

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили ислом динининг қайта тикланишига биргина СССРнинг тарқалиб кетиши сабаб бўлмаганини ва бу ҳолат Марказий Осиё минтақасида бешта давлатларда бир хил кечмаганини кўрсатмоқда. Бу жараён 1991 йилда Совет Иттифоқи парчаланишидан олдин ҳам долзарб бўлиб бораётган ва мустақил давлатларда мафкуравий хавфсизлик масалаларини сўроқ остида қолдираётган эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жараёнда Совет иттифоқи даврида ислом дини марказларидан бири бўлган Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси асосий роль ўйнаган бўлиб, унинг таъсири Қирғизистоннинг жануби ва Тожикистоннинг шимолий қисмларидаги диний-ижтимоий муҳитнинг ўзгаришига олиб келган. Совет итти-

фоқининг собиқ Туркменистон ва Қозоғистон Республикаларидаги диний соҳадаги ўзгаришлар жамиятда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларни ҳал этишда катта ўринга эга бўлмаган.

## ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, минтақада ислом динининг қайта тикланиши ва Ўзбекистон ҳудудида диний мутаассиблик вужудга келишининг тарихий асосларининг илк намоён бўлиши ва Марказий Осиёда ислом динининг сиёсийлаштирилиши XX асрнинг 80-йиллари ва қайта қуриш даври билан боғланади.

Иккинчи жаҳон урушидан то қайта қуришгача бўлган даврда Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёти ва минтақадаги тарихий жараёнларга ислом динининг таъсири аста-секин ўсиб борган.

Мазкур жараёнларда тоталитар зўравонлик ва ҳурфикрлиликни бўғиш, аҳолининг диний хис-туйғуларини эътиборга олмаслик, СССРда бир неча ўн йиллаб ҳукм сурган давлат атеизми, неолиберализм амалиёти жамиятдаги маънавий асосларнинг «ювилиб кетиши»га, маънавий-диний маданият йўқолишига, ижтимоий онда вужудга келган «бўшлиқ»нинг диний-мутаассиб қарашлар билан тўлишига олиб келган.

Таъкидлаш жоизки, постсовет ҳудудидаги ислом динининг қайта тикланиши мавзусида тадқиқот олиб борган аксарият мутахассислар томонидан маҳаллий мусулмонларнинг ўз динига эътиқод қилишга бўлган ишיתיёқи ва тўлақонли диний ҳаёт тарзини кечиришга бўлган интилишлари диний мутаассиблик ҳамда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга қаратилган ҳаракатлардан ажратмаган ҳолатда талқин қилинади. Бу эса мазкур тарихий жараёнлар юзасидан объектив хулосалар чиқариш имконини бермайди. Шу сабабли, постсовет ҳудудидаги ислом динининг қайта тикланишини ўрганишда анъанавий ислом ва диний мутаассиблик ўртасидаги чегарани аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Alimova K.T. (2016) Islam in Central Asia. Actual issues of social sciences: sociology, political science, philosophy, history: ompendium of students by mater// LVII Intern. scientific-practical. Conf. Novosibirsk: SibAK 1.
2. Calhoun L. (2004). An Anatomy of Fanaticism. Peace Review, Vol. 16. 2004. №3. – 351 p.
3. Colas D. (1997). Civil Society and Fanaticism: Conjoined Histories. Stanford: Stanford University Press. – 512 p.
4. Coll S. (2004). Ghost Wars: the Secret History of the CIA, Afghanistan and Bin Laden, from the Soviet Invasion to September 10, 2001//New York: – P. 104–105.
5. Ellis A. (1986). Fanaticism That May Lead to a Nuclear Holocaust: The Contributions of Scientific Counseling and Psychotherapy. Journal of Counseling and Development. Vol.65, №3.
6. Fourniau, V. (2018). Soviet transformations and memories in Central Asia, From «indigenization» to independence Paris: – 212 p.
7. Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. (2023). Tafsiri xilol – 2 tom. Toshkent: Hilol nashr. – 608 b.
8. Mukhametshin, R. (2017). Islam in the USSR, June 2, 2016, URL: <http://islam-today.ru/blogi/rafik-muhametsin/islam-v-sssr/>, visited on Dec. 16.
9. Wang J. (2006). Modern Society of Central Asia under the Influence of Multicultural Forces//Wuhan: Wuhan University Press; – 232 p.
10. Абашин С. Бабаджанов, Б. Германов, В. Иванов, В. Мухаметшин, Ф. Шигабдинов, Р. (2011). Россия – Средняя Азия. Т. 2: Политика и ислам в XX – начале XXI вв. Москва: Ленанд. – 217 с.
11. Абдулазиз Мансур. (2020). Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: Сано-стандарт. – 483 б.
12. Белоглазов, А. (2013). Влияние ислама на политические процессы в центральной азии (Учебное пособие). Казан: Казанский университет. – 294 с.
13. Бобожонов Б. Мўминов А. Фон Кюгельген А. (2007). «Диспуты мусульманских религиозных авторитетов в Центральной Азии в XX веке. Алматы «Дайк-Пресс». – 269 с.
14. Гумеров И. (2007). Что такое фанатизм? Кого можно назвать фанатиком? <https://pravoslavie.ru/6950.html>.
15. Zhiltsov S.S. (2016). Political Processes in Central Asia: Pesuliarities, Problems, Prospects. Central Asia and the South. 17(1): 21-29.
16. Иброҳимов А. (2021). Муфтийлар сулоласи. Ташкент: Шамсуддин Бобохонов. – 249 б.
17. Иванова Е. (2019). Религиозная мифология (Учебное пособие). Екатеринбург: Издательство Уральского университета. – 228 с.
18. Мурслиев А. (2011). Духовный переворот в Ташкенте// Комсомольская правда, 9 июля.
19. Муртазин М. (2011). Религиозная безопасность на мусульманском постсоветском пространстве// Россия и новые государства Евразии. № IV (XLIX).
20. Яхьяев М. (2006). Религиозный фанатизм как социально-исторический феномен (Автореферат). Махачкала.

## REFERENCES

1. Alimova K.T. (2016) Islam in Central Asia. Actual issues of social sciences: sociology, political science, philosophy, history: ompendium of students by mater// LVII Intern. scientific-practical. Conf. Novosibirsk: SibAK 1.
2. Calhoun L. (2004). An Anatomy of Fanaticism. Peace Review, Vol. 16. 2004. №3.
3. Colas D. (1997). Civil Society and Fanaticism: Conjoined Histories. Stanford: Stanford University Press. – 512 p.
4. Coll S. (2004). Ghost Wars: the Secret History of the CIA, Afghanistan and Bin Laden, from the Soviet Invasion to September 10, 2001//New York.
5. Ellis A. (1986). Fanaticism That May Lead to a Nuclear Holocaust: The Contributions of Scientific Counseling and Psychotherapy. Journal of Counseling and Development. Vol. 65. No.3.
6. Fourniau, V. (2018). Soviet transformations and memories in Central Asia, From «indigenization» to independence Paris: – 212 p.
7. Muhammad Sodi Muhammad Yusuf. (2023). Tafsihi hilol. Vol. 2. Tashkent: Hilol Nashr. – 608 b.
8. Mukhametshin, R. (2017). Islam in the USSR, June 2, 2016, URL: <http://islam-today.ru/blogi/rafik-muhametsin/islam-v-sssr/>, visited on Dec. 16.
9. Wang J. (2006). Modern Society of Central Asia under the Influence of Multicultural Forces//Wuhan: Wuhan University Press; – 232 p.
10. Abashin S. Babadjanov, B. Germanov, V. Ivanov, V. Muxametshin, F. Shigabdinov, R. (2011). Rossiya – Srednyaya Aziya. Vol. 2: Politika i islam v XX – nachale XXI vv. Moscow: Lenand. – 217 s.
11. Abdulaziz Mansur. (2020). Qur’oni karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. Tashkent: Sano-standart. – 483 b.
12. Beloglazov, A. (2013). Vliyaniye islama na politicheskiye proses v syentralnoy azii (Uchebnoye posobiye). Kazan: Kazanskiy universitet. – 294 s.
13. Bobojonov B. Mo‘minov A. Fon Kyugelgen A. (2007). «Disputy musulmanskiy religioznyy avtoritetov v Syentralnoy Azii v XX veke. Almaty «Dayk-Press». – 269 p.
14. Gumerov I. (2007). Chto takoye fanatizm? Kogo mojno nazvat fanatikom? <https://pravoslavie.ru/6950.html>.
15. Zhiltsov S.S. (2016). Political Processes in Central Asia: Pesuliarities, Problems, Prospects. Central Asia and the South. 17(1): 21-29.
16. Ibrohimov A. (2021). Muftiylar sulolasi. Tashkent: Shamsuddin Bobokhonov. – 249 p.
17. Ivanova Ye. (2019). Religioznaya mifologiya (Uchebnoye posobiye). Yekaterinburg: Izdatelstvo Uralskogo universiteta. – 228 p.
18. Mursliyev A. (2011). Dukhovniy perevorot v Tashkente// Komsomolskaya pravda, 9 iyulya.
19. Murtazin M. (2011). Religioznaya bezopasnost na musulmanskom postsovetском prostranstve//Rossiya i noviye gosudarstva Yevrazii. No. IV (XLIX).
20. Yahiyayev M. (2006). Religiozniy fanatizm kak sotsialno-istoricheskiy fenomen (Abstract). Makhachkala.

